




Научно-практический электронный журнал


# **МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА**

ISSN 2658-7998



9 772658 799001 >

**Выпуск №84 (том 1)  
(май, 2026)**



Международный научно-практический  
электронный журнал «МОЯ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: [mpcareer.ru](http://mpcareer.ru)

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

**Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №84 (том 1) (май, 2026). Дата выхода в свет: 31.05.2026.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ И ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ РАЗРАБОТКИ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ГРАДОСТРОИТЕЛЬНЫХ РЕГЛАМЕНТОВ Бизяев А.С.	321
ИННОВАЦИОННЫЕ МАТЕРИАЛЫ В СОВРЕМЕННОМ ДОРОЖНОМ СТРОИТЕЛЬСТВЕ: ПОВЫШЕНИЕ ДОЛГОВЕЧНОСТИ И ЭКОЛОГИЧНОСТИ Эркаева А., Маммедов С.	332
ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНЫЕ И ЭКОЛОГИЧНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В СОВРЕМЕННОМ ГРАЖДАНСКОМ СТРОИТЕЛЬСТВЕ: ВЗГЛЯД В БУДУЩЕЕ Аннагельдыева Н., Гурбанов Ы., Сейидов М.	336
СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ СЕЙСМОСТОЙКОГО СТРОИТЕЛЬСТВА: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ К ЗАЩИТЕ ЗДАНИЙ И СООРУЖЕНИЙ Аннагельдыева Н., Атаев К., Сейитлиев Н.	341
ПРИМЕНЕНИЕ НАНОМАТЕРИАЛОВ В СОВРЕМЕННОМ СТРОИТЕЛЬСТВЕ: ПОВЫШЕНИЕ ПРОЧНОСТИ И ДОЛГОВЕЧНОСТИ БЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ Башимов А., Гарлыева Т.	346
ИННОВАЦИОННЫЕ КОНСТРУКТИВНЫЕ РЕШЕНИЯ В СОВРЕМЕННОМ ВЫСОТНОМ СТРОИТЕЛЬСТВЕ: НАДЕЖНОСТЬ И АЭРОДИНАМИКА Бабаев Р., Туваков Ш.	351
ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА АНГЛОЯЗЫЧНОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ В СФЕРЕ АРХИТЕКТУРЫ И ГРАЖДАНСКОГО СТРОИТЕЛЬСТВА Нурмырадова Э., Реджепова А., Абдысетдаров А.	356
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ И УПРАВЛЕНИЕ ПРОЕКТАМИ: ВНЕДРЕНИЕ КОНЦЕПЦИИ «БЕРЕЖЛИВОГО СТРОИТЕЛЬСТВА» (LEAN CONSTRUCTION) Атаев Д., Сапаргельдыева А.	361
КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО ТУРКМЕНСКОГО НАРОДА Джумагылыджов С., Язгельдыев Н., Кыясов М., Рахымова М.	366
ПРАВОВОЕ ПОЛОЖЕНИЕ ЛИЦ, ЛИШЁННЫХ РОДИТЕЛЬСКИХ ПРАВ ИЛИ ОГРАНИЧЕННЫХ В НИХ Самошкин М.М., Каргапольцев Н.А.	371
ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ И ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПОЛНОМОЧИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ СУБЪЕКТОВ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ В ОБЛАСТИ ОХРАНЫ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬ Козочкина Я.А.	385
<b>ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ НАУЧНОМ МЫШЛЕНИИ</b>	
МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА Олтаев Ш.С.	394
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲОЗИРГИ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ НОРАСМИЙ ИШ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	403



## ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ НАУЧНОМ МЫШЛЕНИИ

УДК 33

*Олтаев Ш.С.*

СамИСИ доценти, и.ф.н.

### **МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА**

**Аннотация:** ушбу мақолада бандликдаги янги йўналиш бўлган ўзини ўзи банд қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари ва уларнинг тавсифи ҳамда ўзини ўзи банд этишнинг чекловлари, уларнинг шакллари қараб чиқилган. Бунда ўзини ўзи иш билан таъминлаган кишининг нуфузи, унинг имкониятлари, иш фаолиятидаги эркинлиги, тенглиги, иқтисодий хавфсизлиги, товарлар ва хизматларнинг етарли даражада даромадлилиги, иш вақтининг ихтиёрийлиги, уларнинг мослашувчанлик хусусиятлари ҳам ёритилган.

**Калит сўзлар:** тадбиркор, тадбиркорлик, бизнес, бизнесмен, мулк эгаси, тадбиркорлик субъекти, тадбиркор хусусиятлари, тадбиркорлик фаолияти, бозор инфратузилмаси, фойдага интилиш, иқтисодий эркинлик, иқтисодий масъулият, иқтисодий таваккалчилик, рақобатда қатнашиш, тадбиркорлик сири.

Бизга маълумки бугунги кунда ҳар қандай мамлакат олдида турган ижтимоий муаммолардан бири бу аҳолининг иш билан банд қилишни таъминлашдир. Бу борада мамлакатимизда жуда кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирларнинг яна бир янги йўналиши ўзини ўзи иш билан банд қилиш ҳисобланади. Ўзини ўзи иш билан банд қилишнинг бошқа йўналишларга қараганда ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар ўзини ўзи банд қилиш тамойилларига асосланиб, одатда қуйидаги беш сабабдан келиб чиқишади:



биринчидан, шахсий қониқиш;  
иккинчидан, мустақилликка интилиш;  
учинчидан, фойда олиш;  
тўртинчидан, бандлик кафолати;  
бешинчидан, шахсий мавқе.

Қуйида ушбу тамойилларни бирма-бир қараб чиқамиз. Улардан бири шахсий қониқиш бўлиб “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари ҳисобланади. Инсоннинг табиати шундай, у қаерда ишламасин, қаерда яшамасин, энг аввало, шахсий қониқиш ҳосил қилишга ҳаракат қилади. Аммо бунга меҳнат жамоаларида жуда яхши ишлаб ҳам эриша олмаслиги мумкин. Аммо одам ўзи хоҳлаган ишни ўзи қилса ва ундан маълум даражада манфаатдорлик таъминланса, жуда катта шахсий қониқиш ҳосил бўлади. Бундай ҳолат одамни жуда катта ва йирик ишларни амалга ошириш ушун асос бўлиши мумкин.

Айрим одамлар учун ўзини ўзи иш билан таъминлаш эвазига шахсий қониқиш ҳосил қилиши мумкин. Бу билан одам ўзини ўзи тақдирлаган бўлади. Демак, ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятларидан бири, ўзи ишни ташкил қилади, ўзи ишлайди, ўзини ўзи рағбатлантиради.

Ўзини ўзи банд қилиш одамга ҳар бир иш кунини ва вақтини ўзига роҳат бағишлайдиган ишни бажаришга сарфлашига имкон беради. Масалан, расм олишни яхши кўрсангиз, хусусий студиянгизни ташкил этишингиз мумкин. Ҳар сафар мижоз ўз фотопортретидан қониққанини билдирганда, сиз ҳам шахсий қониқиш ҳис қиласиз ва маълум миқдорда хизматингиз учун ҳақ оласиз. Бу эса, ўзини ўзи иш билан банд қилиш билан бирга катта маънавий қониқиш ҳам олишини кўрамиз.

Ўзини ўзи иш билан банд қилиш тамойилининг бири мустақилликдир.

Ўзини ўз иш билан таъминлаган одам ўз билимини, кўникмасини ва қобилиятини ўзи хоҳлаган тарзда қўллаши мумкин. Бошқа ишлайдиганларга



нисбатан ўзини ўзи банд қилган одамлар кўпроқ эркинликка эга. Чунки ихтиёри билан ташкил қилинган ишда ихтиёрийлик ҳукм суради.

Мазкур тамойилга дахлдор яна бир йўналиш ушбу шахснинг фойда олишида намоён бўлади. Бу барча харажатларни тўлагандан кейин қоладиган даромаднинг бир қисмидир. Фойда ишни ташкил қилган шахснинг ўзига қолади. Жуда кўп ҳолларда ишни ташкил қилган одамга кўпроқ вақт ва кўпроқ ҳаракат қилишини тақозо қилади. Бундай ҳолат ҳам ихтиёрийлик асосига қурилганлиги туфайли ҳам завқлидир. Бироқ инсон бошқа бировларга ишлаганида бундай ҳолат камдан-кам учраши мумкинлиги ҳаммага аён.

Бандлик кафолати инсонлар учун жуда муҳим, чунки кўпгина корхоналар бандлик кафолатини тўлиқ таъминлай олмайди. Иш кўлами қисқарса, корхона касодга учраса албатта ходимларни ушлаб туриш имконияти бўлмайди. Шу туфайли одамларнинг доимий иш билан таъминланган бўлишлигига истаги юқори бўлади. Бироқ, ёлланган меҳнатда бунга эришиб бўлмайди. Бу эса одамларни ўзини ўзи иш билан бандлигини таъминлаш истагини туғдиради. Ўзини ўзи банд қилган одамлар ишдан бўшатилиши, корхонадан ҳайдалиши ёки маълум ёшга етганда мажбурий тарзда ишдан пенсияга чиқариб юборилиши мумкин эмас.

Ўзини ўзи банд қилган одамларнинг маълум даражада мавқеи баланд бўлади. Чунки ўзини ўзи банд қилган одамлар истеъмолчилар билан ўрнатган алоқалари ва уларнинг фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилиши туфайли, диққатни жалб этади ва эътирофга сазовор бўлишади. Бунинг натижаси сифатида, улар кўпгина бошқа ишлаётганлардан юқорироқ мавқега эга бўлиб, бундан шахсий қониқиш олиб, ўз касбининг натижасидан роҳатланиши мумкин.

Қайд этиш жоизки, ўзини ўзи банд этишнинг маълум чекловлари ҳам мавжуд. Бундай чекловлар қуйидагилардан иборат: инвестиция қилинган сармояни йўқотиш эҳтимоли, ишончсиз ёки паст даромадли бўлишлиги, кўп вақт сарфланиши, фақат ўзи бўлганлиги туфайли зерикарли бўлишлиги, барча ишларни ўзи бажаришига тўғри келади.



Ўзини ўзи банд қилишнинг ўзига хос чекловлари энг аввало, ўзи инвестиция қилган сармоясининг йўқотиш хавфи борлигида намоён бўлади. Маълумки, “инвестиция қилинган сармоя” атамаси ўзини ўзи банд қилган кишининг ўз фаолиятини ташкил этганда сарфланган харажатларини билдиради. Бу харажатлар тез ва самарали қоплансагина эгасини қаноатлантиради. Агар ўзининг фаолияти яхши ривожланаётган бўлса, оладиган фойдаси етарли бўлиши мумкин. Агарда, ушбу фаолият омадсизликка учраса, унга инвестиция қилинган сармоя йўқотилиши мумкин. Шу туфайли ўзини ўзи банд қилган киши маълум маънода эҳтиёткорлик билан иш кўришига тўғри келади. Аммо Самарқанд шаҳрида ўзини ўзи иш билан таъминлаётган кўплаб одамлар қаторига “Самарқанд нони”ни ишлаб чиқараётганларни мисол келтириш мумкин. Уларнинг касби ва бандлиги авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Яна бир чеклов ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг иш ҳақлари ёлланган ходимларнинг иш ҳақидан фарқли ўлароқ, ўзгариб туриши мумкин. Ёлланган ходим бир маромда ойлик олади, аммо ўзини ўзи иш билан таъминлаган одамда бу ҳолат бир маромда бўлмаслиги мумкин. Бир ойда жуда кўп ва иккинчи ойда кам бўлиб қолиш хавфи йўқ эмас. Фойда миқдори ойдан- ойга ўзгариши мумкинлиги ҳам бундай кишиларни биров хавотирда ушлаб туриши мумкин. Аммо даромад келиб турганда ҳам, у шахсий ва оилавий эҳтиёжларни қондириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолат кўпинча фаолиятнинг бошланғич даврларида кузатилади. Чунки ҳали етарли тажриба ва кўникма ҳосил қилмаган бўлади.

Яна бир чеклов иш вақтининг чегараланмаганлиги билан изоҳланади. Ўзини ўзи иш билан банд қилган кишилар ўз иш вақтини ҳафтада қирқ соат билан чекламайди. Кўпгина ўзини-ўзи банд қилган одамлар кунига ўн тўрт соат ва ундан кўпроқ, ҳафтасига олти ёки етти кун ишлайди. Агар бундай фаолият корхона даражасига кўтарилса, кўп ҳолларда ушбу корхона эгаси эрталаб биринчи бўлиб ишга келади ва кечкурун охириги бўлиб ишдан кетади. Корхонанинг иш вақти эгасининг ихтиёри билан эмас, истеъмолчилар учун қулайлик нуқтаи назаридан белгиланади. Масалан, кўп дўконлар 8:00 дан 21:00



гаша ишлайди. Нон ёпадиганлар эрта тонгда нонуштага иссиқ нонни етказиб бериш учун кечаси билан ишлаб чиқади ва х.к. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўзини ўзи иш билан таъминлаган кишилар истеъмолчилар талабига мослашиши учун ўзларига ноқулай бўлган вақтда фаолият кўрсатишига ва ўзларига ёқмаган ишларни қилишлигига ҳам мажбур бўладилар. Масалан, ўзини ўзи иш билан таъминлаган ошпазни олайлик, у нима бўлганда ҳам ўзининг мавқеини ушлаб туриши учун албатта истеъмолчиларнинг вақтига ва талабига мослашиши лозим бўлади. Бизнес билан шуғулланиш сиз мутлақо бажаришни истамайдиган, лекин бажаришингиз мажбур бўлган ишлар зарурати билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ўзини ўзи иш билан банд қилган одамнинг ўзига хос хусусияти, ўз фаолияти натижасида ўзининг, оиласининг даромадини таъминлаш имконини яратади.

Давлат солиқ қўмитасининг маълумотига кўра Ўзбекистонда 2022 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, ўзини ўзи иш билан банд қилган шахслар 1,57 млн нафарни ташкил этган.

Ўзини ўзи банд қилганлар сони йил бошига нисбатан 29,8 фоизга ёки 360,5 мингтага ошган. Асосан қуйидаги соҳаларда ўсиш кўрсаткичлари аниқланган:

биринчидан, қишлоқ хўжалиги — 64,1 фоиз (195,8 мингта);

иккинчидан, ахборот-коммуникация хизматлари — 37,8 фоиз (10,7 мингта);

учинчидан, маиший хизматлар кўрсатиш — 26,8 фоиз (93,4 мингта).

Ўзини ўзи банд қилган шахсларга 2023 йил 1 январдан қуйидаги имтиёзлар берилган:

биринчидан, якка тартибдаги тадбиркорларга мураккаб бўлмаган умумий қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари (бетон қуйиш, бўёқчилик, сувоқчилик ишлари, ғишт ва кафел териш, перфорация, дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа умумий қурилиш ишлари)ни (кейинги ўринларда — умумий қурилиш ишлари), шу жумладан юридик шахслар учун ҳам бажаришга;



иккинчидан, қурилиш-пудрат ташкилотларига умумий қурилиш ишларини бажариш учун шартнома асосида якка тартибдаги тадбиркорларни жалб қилишга;

учинчидан, якка тартибдаги тадбиркорларга умумий қурилиш ишларини бажариш учун беш нафаргача ходимларни ёллашга рухсат этилади;

тўртинчидан, умумий қурилиш ишларини бажариш фаолияти билан шуғулланаётган ҳамда камида уч нафар ходимни ёллаган якка тартибдаги тадбиркорга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга субсидия ажратилади. Бунда, субсидия миқдори битта ходим учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаслиги белгиланган.

Шунингдек, 2023 йил 1 январдан ЯТТлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар учун ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдори ойига БҲМнинг 50 фоизидан йилига БҲМнинг бир бараваригача камайтирилган (савдо мажмуалари ва бозорларда фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар бундан мустасно).

Бундан ташқари, 2023 йил 1 январдан ўзининг шахсий томорқа ер участкасида қуйидаги ишларни амалга ошириши мумкин: чорвачилик (қорамол, қўй, эчки, от ва бошқалар); иссиқхона; паррандачилик (бедана, курка, ғоз, ўрдак); қуёнчилик; асаларичилик; балиқчилик; боғдорчилик; лимончилик; гулчилик каби фаолият турлари билан шуғулланаётган фуқаролар томонидан йилига БҲМнинг камида бир баравари миқдорида ижтимоий солиқ тўланган тақдирда, “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритилади ва ушбу давр уларнинг меҳнат стажига қўшилади.

Ҳар бир одам ҳозирги пайтда ўзлари тадбиркорлик очиб фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бундай имкониятдан ҳар бир фуқаро фойдаланиши мумкин.



Кишилар ўзларини ўзлари банд қилиши учун оилавий анъаналарни давом эттириши ҳам мумкин. Масалан, Самарқанд шаҳрида кўпгина йўналишлар бўйича хунармандлар, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик қабиларни келтиришимиз мумкин. Ушбу кишилар ўзларининг манфаатларини қондириш билан бирга бир қанча ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳам бажаради. Масалан, улар миллий анъаналарни сақлаб қолган ҳолда авлоддан-авлодга ўтказиб келади, зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариб жамиятга ҳам катта фойдаси тегади. Ўз фаолияти натижасидан солиқ тўлаш эвазига давлат бюджетини ҳам тўлдириб боришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшади.

Кўришиб турибдики, одамларнинг ўзларини ўзлари иш билан таъминлаш масаласи ва шу орқали бандлик муаммосини ҳал қилиниши жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга. Бундай жараён мамлакатимизнинг келгуси ҳаётида катта аҳамият касб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ”Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”, 23.12.2020 йилдаги 806-сон.

2. <https://cyberleninca.RU/article/n/мамлакатимизда-камбағаллик-даражасини-камайтириш-йўллари>.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

4. Oltayev Sh.S. (2021). Challenges and solutions in constructing a community section and investing in family entrepreneurs (On the example of Navobod NCM of Samarkand district) American Journal of Research [www.journalofresearch.us](http://www.journalofresearch.us) 9-10, September-October 2021 [info@journalofresearch.us](mailto:info@journalofresearch.us) USA, Michigan 34. 34-37 б. <https://zenodo.org/record/5514016#.YbzC3mhBzIU>

5. Oltayev Sh.S. (2021). Innovative Education Is An Important Factor To Increase The Efficiency Of Economic Education The American Journal of Interdisciplinary



Innovations and Research (ISSN–2642-7478) Published: November 13, Pages: 9-13

Doi: <https://doi.org/10.37547/tajjir/Volume03Issue11-02>

6. Oltayev Sh.S. (2021). Wide Opportunities for Innovative Development of Small Business And Private Entrepreneurship in our Country. Academic Journal of Digital Economics and Stability Volume 10, ISSN 2697-2212 Online: <https://academicjournal.io> 7-13.

<https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/334>

7. Oltayev Sh.S. (2022). Improving Ways of Attracting Foreign Investments to the National Economy and Using Them. International Journal Miasto Przyszłości, 92–95.

<https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/503> Vol. 27. Kielce

Retrieved from

8. Oltayev Sh.S. (2022). Issues of attracting foreign investments to the regions of Uzbekistan: problems and solutions. International journal of social science & interdisciplinary research Issn: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 11(08),

<https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/923> 96–100. Retrieved from

9. Oltayev Sh.S. (2024). Innovative ways to diversify and improve the quality of tourist services in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 109-118.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10880030>

10. Oltayev Sh.S. (2024). Innovative ways to eliminate the migration problem in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 123-130. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880419>

11. Oltayev Sh.S. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>

12. Oltayev Sh.S. (2024). Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2(3), 273–280. Retrieved from <https://webofjournals.com/index.php/1/article/view/1047>

13. Oltayev Sh.S. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979>

14. Oltayev Sh.S. (2024). The role of the economic sector in society. Eurasian Scientific Herald, 30, 55–58. Retrieved from  
<https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/5815>

© Олтаев Ш.С., 2026